



САЙЁР СУДДА ҚОНУНИЙЛИК МУСТАҲКАМЛАНДИ


САЙЁР СУДДА ҚОНУНИЙЛИК МУСТАҲКАМЛАНДИ



Жиноят ишлари бўйича Музработ туман суди томонидан тумандаги 21-сонли мусиқа ва санъат мактаби фаоллар залида сайёр суд мажлиси ўтказилди.

Суд, инсонпарварлик тамойилига таяниб, Музработ туман ички ишлар бўлими Пробаця гуруҳи ҳисобида туриб, ҳақиқатда меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган ва жазо ўташнинг тартиб қоидаларига риоя қилиб, тузалиш йўлига ўтган, судлар томонидан ўрнатилган тақиқ ва чекловларга тўлиқ роия қилган ҳамда ўзининг ҳулқини ижобий томонга ўзгартирган жами 10 нафар шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди.






Бундан ташқари, ушбу сайёр суд мажлисида 1 нафар шахс суд томонидан ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаганлиги учун ўталмай қолган жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди.

Сайёр суд мажлисида 70 дан ортиқ пробация ҳисобида турувчи шахслар иштирок этди. Тадбир давомида туман суди раиси Т.Абдираимов томонидан йиғилганларга жазони ўташ тартиб қоидаларига риоя қилиш, тартибни бузганларга жазонинг кучайтирилиши тушунтирилди.





Шунингдек, сайёр суд мажлиси якунида суд раиси томонидан иштирокчиларга қонунчиликдаги ўзгартиришлар ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган янгиликлар борасида маърузалар қилинди.

Асқар Қудратов

Сурхондарё вилоят суди Жамоатчилик

ва ОАВ билан алоқалар бўйича бош консультанти